

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ
ИЖТИМОЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ -ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Tar.
01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАШИДОВ ОЙБЕК РАСУЛОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ МИЛЛИЙ
СИЁСАТИДА ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИНИНГ
МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИЛИШИ (1918 – 1933 йй.)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Рашидов Ойбек Расулович

Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг миллий сиёсатида давлат
идораларининг маҳаллийлаштирилиши (1918–1933 йй.) 3

Рашидов Ойбек Расулович

Коренизация государственных учреждений в Узбекистане в
национальной политике советской власти (1918–1933 гг.)..... 23

Rashidov Oybek Rasulovich

Localization of state institutions in Uzbekistan on national policy of
Soviet government (1918-1933)..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ
ИЖТИМОИЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ -ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Tar.
01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАШИДОВ ОЙБЕК РАСУЛОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ МИЛЛИЙ
СИЁСАТИДА ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИНИНГ
МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИЛИШИ (1918 – 1933 йй.)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Таг242 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://ik-tarix.nuu.uz>) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ражабов Қаҳрамон Кенжаевич
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Расулов Абдулла Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор

Бобожонова Дилором Бобожоновна
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Қорақалпоқ ижтимоий фанлар илмий тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи 27.06.2017. Таг.01.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1-қават, 110-аудитория.) Тел.: (99871)227-12-24; факс: (99871)246-53-21, (99871)246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино). Тел.: (99871)236-46-55, факс: (99871)246-02-04).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____даги ___ - рақамли реестр баённомаси)

А.А. Маврулов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.Э. Юнусова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

Г.А.Агзамова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида кечаётган кескин миллий-этник низоларни бартараф этиш, миллатлараро ҳамжиҳатликни асраб қолиш ва барқарорликни таъминлаш инсоният олдидаги муҳим масалалардан биридир. Ҳар бир давлатнинг ички ва ташқи сиёсатида миллатлар ва элатлараро тенглик, диний конфессиялар ўртасидаги бағрикенглик, ўзаро тотувликни мустаҳкамлаш масаласи долзарблик касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан миллий сиёсатнинг шаклланиши, тарихий илдизлари, босқичлари ва йўналишларини яхлит тадқиқ этишга зарурат кучаймоқда. Бу ўз навбатида ҳар бир миллатнинг ўтмиши, она тили, ёзуви, диний эътиқоди ҳамда умумбашарий қадриятлар билан уйғунликда тараққий этиш динамикасига бағишланган махсус тадқиқотлар олиб бориш эҳтиёжини юзага келтиради.

Дунёнинг кўпгина олий ўқув юртлари ва илмий марказларида совет ҳокимияти йилларида миллий сиёсат, депортация жараёнидаги ўнлаб миллатларнинг қатағон қилиниши, диаспора худудларининг кенгайиши, кам сонли миллатларнинг муаммолари ва большевикларнинг миллатларни кўшиб юбориб, ягона совет халқини яратиш йўлидаги ҳаракатлари каби масалалар юзасидан тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бироқ совет бошқаруви тизимидаги давлат идораларини маҳаллийлаштириш сиёсатининг мазмун-моҳияти, назарий асослари, унинг даврий босқичлари, иш юритишда миллий тилларнинг ўрни ҳамда маҳаллий миллат вакилларида мутахассис кадрлар тайёрлашдаги муаммолар ўз ечимини кутмоқда. Совет ҳокимиятининг миллий сиёсатида доир тадқиқотлар кўлами анчагина салмоқни ташкил этса-да, ушбу сиёсатнинг таркибий қисми ҳисобланган давлат идораларини маҳаллийлаштириш масаласи махсус тадқиқот объекти сифатида илмий муомалага тортилмаган.

Тарихий ҳақиқатни қайта тиклаш имконияти пайдо бўлган бугунги туб ўзгаришлар энг аввало эски қарашларни бутунлай қайта кўриб чиқиш эҳтиёжини юзага келтирди. Бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда миллатлараро муносабатлар давлат сиёсатининг устувор вазифаси сифатида белгиланган. Давлатимиз раҳбари айтганидек, «Мамлакатимизда этник ўзига хосликни ривожлантириш ва миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштиришда 137 та миллий-маданий марказ етакчи роль ўйнамоқда. Улар ўзларининг ўзига хос маданияти, тили, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириб, турли маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитишга, ҳар биримизда кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда»¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар

¹ Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2017.-Б.296-297.

стратегияси тўғрисида»ги Фармони², 2017 йил 19 майдаги 5046-сонли «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони³да келтирилган миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашга қаратилган тамойиллар ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори⁴ ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамият, маънавий-маърифий, маданий ривожланиш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» дастурининг устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг миллий сиёсатида давлат идораларининг маҳаллийлаштиришга бағишланган тадқиқотларни хронологик жиҳатдан шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳ – совет ҳокимияти йилларида нашр этилган тарихий адабиётлар; иккинчи гуруҳга мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотлар ва учинчи гуруҳга хорижда нашр этилган асарлар киради. Биринчи гуруҳ тарихий адабиётларида⁵ ўрганилаётган муаммога коммунистик мафкура, синфийлик

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли Фармонининг 1-иловасида келтирилган «2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» // <http://strategy.regulation.gov.uz>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги 5046-сонли Фармонида келтирилган «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» // <https://icc.uz>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789. N 8, м. 117 - сонли Қарори. «Фанлар академияси фаолиятини, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» // http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3210647

⁵ Сафаров Г. Национальная политика Советской власти // Три года Советской власти. Сборник статей. – Т.: Туркгосиздат, 1920; Унинг ўзи. Колониальная революция (опыт Туркестана). – Москва, 1921; Муравейский С. Материалы по истории Октябрьской революции в Туркестане. – Т., 1922; Унинг ўзи. Очерки по истории революционного движения в Средней Азии. – Т., 1926; Уншлихт И. Государственное устройство СССР и национальная политика советской власти. – М., 1936; Назаров М. Ўзбекистонда совет ҳокимиятини мустақамлаш учун кураш (1919 – 1920 йиллар). – Т., 1954; Абдуллаев Ш. Ўзбекистонда Коммунистик партия ленинча миллий сиёсатининг ғалабаси учун кураш. – Т., 1957; Қўқонбоев А. Фарғонада совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустақамлаш учун кураш. – Т., 1958; Турсунов Х. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг барпо этилиши. – Т., 1958; Унинг ўзи. Коммунистические партии Туркестана, Бухары и Хорезма в период национально – государственного размежевания в Средней Азии. – Т.: Госиздат УзССР, 1959; Гафуров Б.Т. Некоторые вопросы национальной политики КПСС. – М.: Госполитиздат, 1959; Вахобов М. Ўзбек социалистик миллати. – Т.: Ўздавнашр, 1960; Иноятов Х. Ответ фальсификаторам истории советской Средней Азии и Казахстана. – Т., 1962; Гитлин С.И. Деятельность партийной организации Узбекистана по осуществлению Ленинской национальной политики в условиях развитого социализма.: Автореф. Дис. ... докт. Ист. наук. – Ташкент, 1983. – 41 стр. Агзамходжаев А. Образование и развитие Узбекской ССР. – Т.: Фан, 1971; Рахмонов Н. Осуществление ленинской национальной политики в Средней Азии. – Т.: Фан, 1973; Салимов Х. Население Средней Азии. – Т.: Узбекистан, 1975; Акромов А. Халкларнинг ленинча дўстлиги байроғи остида. – Т.: Ўзбекистон, 1976; Ишанов А. Роль Компартии и советского правительства в создании национальной государственности узбекского народа. – Т., 1978; Армархонова З., Чеботарева В. Решение национального вопроса в Узбекистане. – Т., 1979; Караханов М.К.

назарияси ва «марксча-ленинча» методология доирасида ёндашилган. Мазкур тадқиқотларнинг мазмунида «барча миллатлар социализмга боради», «ягона совет халқи», «ягона маданият», «ривожланган социализм» каби қарашлар асосий ўрин тутди.

Иккинчи гуруҳга мустақиллик йилларида нашр этилган коллектив монографиялар⁶ ҳамда Р.Муртазаева, Д.Алимова, Ф. Исҳоқов, Р.Шамсутдинов, Д.Бобожонова, С.Аъзамхўжаев, Р.Абдуллаев, Д.Зияева, Қ.Ражабов, А.Расулов, Ш.Ҳайитов, Х.Юнусова, Н.Полвонов, М.Ҳайдаров, Ш. Давлатова, К.Саипова ва бошқалар томонидан нашр этилган адабиётларда⁷ совет ҳокимиятининг мустамлакачилик сиёсати билан бир қаторда большевиклар тузумига қарши миллий муҳолифатнинг шаклланиши ва яширин ташкилотлар фаолияти, ер-сув ислоҳоти, кадрлар сиёсати, деҳқонларнинг кулоқ қилиниши, жамоалаштириш ва қатағонлик сиёсати каби масалалар таҳлил қилинган.

Учинчи гуруҳга мансуб хориж тадқиқотчилари асарларида⁸ ва хориждаги илмий марказларда бажарилган диссертацияларда⁹ совет бошқаруви тизимида миллий кадрларнинг ўрни ҳамда давлат идораларини маҳаллийлаштириш масалаларининг баъзи жиҳатлари ёритилган.

Некапиталистический путь развития и проблемы народонаселения. – Т.,1983; Рахимов С. Национальная политика КПСС и вымыслы «советологов». – Т.:Узбекистан,1988; Хидоятлов Г.А. Национальный вопрос в СССР. – Т.: Ўзбекистон, 1991 и др.

⁶ Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор: Р.Раджапова. – Т.:Шарк, 2000; Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М.Жўраев. – Т.:Шарк, 2000.

⁷ Бобожонова Д. Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва уларнинг хусусияти. – Т.,1996; Алимова Д., Голованов А. Ўзбекистон мустақил совет тузumi даврида: сиёсий ва мафкуравий тазйиқ оқибатлари (1917–1990 й). – Т.:Ўзбекистон, 2000; Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти: миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. – Т.:Маънавият, 2000; Шамсутдинов Р. Истиклол йўлида шаҳид кетганлар. – Т.:Шарк, 2001; Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш: тарих ҳақиқати (1920 – 1924 йиллар). – Т.: Маънавият, 2002; Унинг ўзи. Фарғона водийсидаги истиклолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918 – 1924 йиллар). – Т.:Yangi nashr, 2015; Юнусова Х. Ўзбекистонда совет давлатининг миллий сиёсати ва унинг оқибатлари.– Т.:Zarqalam, 2005; Муртазаева Р. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик. – Т.:Университет, 2007; Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар (XX аср иккинчи ярми – XX асрнинг биринчи чораги). – Т.:Abu matbuot-konsalt, 2007; Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи (1917 – 1991 йиллар). – Т.:Abu matbuot-konsalt, 2008; Исхаков Ф. Центральная Азия и Россия в XVIII – нач. XX вв. – Т.,O'zdamatbuotliti, 2009; Расулов Б. Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий қатағонлар ва сургун қилинган деҳқонлар аҳволи (1929 – 1959 йй.). – Т.:Ўзбекистон, 2012; Ҳайдаров М.Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизими: шаклланиши, босқичлари ва моҳияти (1917-1941 йиллар). – Т.:Abu matbuot-konsalt, 2012; Саипова К. История Народного Комиссариата по Национальным делам ТАССР (1918 – 1924 гг.). – Т., 2013; Абдуллаев Р. Национальные политические организации Туркестана в 1917 – 1918 годы. 2-ое издание. – Т.:Adabiyot uchqunlagi, 2016; Давлатова Ш. Ўзбекистонда бошқарув структурасининг шаклланиши ва таракқиётида миллий масаланинг туган ўрни (XX асрнинг 20-йиллари). – Т.:Navro'z, 2016 ва б.

⁸ Suny R.G., Naimark N.M. The Revenge of the Past: Nationalism, Revolution and the Collapse of the Soviet Union. – Stanford: Stanford University press,1993; Baymirza Hayit. Türkistandevletlerinin milli mücadeleleri tarihi. – Ankara.: Türk tarih kurumu basimevi,1995; Унинг ўзи. Milli Türkistan hürriyet davasi. – Ankara.:AYK Atatürk Kültür Merkezi Başkanlığı,2004; Ali Bademci. 1917 – 1934 Turkistan Milli istiklal harakati korbasilar ve Enver Pasa. 1-жилд. – Anqara.:Istanbul, 2008; Adeeb Khalid. Making Uzbekistan. Nation, Empire and Revolution in the Early USSR. – London.: Cornell University press, 2015.

⁹ Erstad L. The storming of the Winter Palace. Bolshevik agitation and propaganda, 1917-1928. New York University. ProQuest Dissertation Publishing,1996; Northrop D. T. Uzbek women and the veil: Gender and power in Stalinist Central Asia. Stangord University. ProQuest Dissertation Publishing, 1999; Constantine E. A. Public Discourse and private lives: Uzbek women under Soviet rule, 1917-1991. Indiana University. ProQuest Dissertation Publishing, 2001.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқотлар ишлари режасидан ўрин олган. Диссертациянинг айрим қоидалари ва хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ФА-А-Г028 ПЗ-2014-0912205347 асосида «Ўрта Осиё республикаларида ўтказилган миллий-худудий чегараланиш ва унинг оқибатлари (1924–1925 йй.)» номли лойиҳа доирасида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг миллий сиёсатида давлат идораларини маҳаллийлаштиришнинг моҳияти ва мазмунини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

совет миллий сиёсатидаги давлат идораларини маҳаллийлаштиришнинг мазмун-моҳиятини таҳлил қилиб, унинг назарий асосларини ёритиш;

давлат идораларини маҳаллийлаштириш жараёнида ҳукумат, комиссиялар, идоралар ва муассасаларнинг вазифалари ва ваколатлари доирасида амалга оширган ишларини таҳлил қилиш;

кадрларни маҳаллийлаштириш ва иш юритишни маҳаллий тилларда олиб борилишига Марказ вакилларининг муносабатини очиб бериш;

давлат идораларини маҳаллийлаштиришнинг натижалари, муаммолари ва унинг тўхтатилиши сабабларини ўрганиш;

тадқиқотнинг илмий хулосалари асосида тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг миллий сиёсатида давлат идораларининг маҳаллийлаштирилиши белгилаб олинди.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистонда 1918–1933 йиллардаги хронологик даврда совет миллий сиёсатининг таркибий йўналиши ҳисобланган давлат идораларининг маҳаллийлаштирилишидаги натижа ва муаммолар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тизимлаштириш, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез ҳамда муаммовий-хронологик каби илмий тадқиқот усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларидаги давлат бошқаруви идораларида кадрларни жой-жойига қўйиш учун расмий рус тили ва туб халқлар тилларининг ўрни ҳамда қўлланиш даражасидаги номуносивлик аниқланган;

Марказдан Ўзбекистонга келган европалик ходимлар томонидан маҳаллийлаштириш сиёсатининг яхши қабул қилинмаганлиги, бошқарув структурасида маҳаллий кадрларнинг тайёрланишига салбий таъсир кўрсатганлиги исботланган;

давлат идораларини маҳаллийлаштириш сиёсатида унинг мазмун-моҳияти сезиларли ўзгартирилган ҳолда асосий эътибор маҳаллий кадрларни тайёрлашга эмас, балки совет ҳокимиятининг турли бошқарув идораларини аҳолига яқинлаштиришга қаратилганлиги исботланган;

маҳаллийлаштириш ишларининг марказий идораларда чекланган тарзда олиб борилганлиги, миллий кадрлар назоратда тутилганлиги, уларнинг «миллатчи» ва «халқ душмани» каби сохта айбловлар билан қатағонга тортиб турилганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқотда давлат идораларини маҳаллийлаштириш бўйича қабул қилинган декретлар, қарорлар, йўриқномалар, низомлар ҳамда қурултой ва конференциялар ҳужжатлари таҳлил қилинди;

давлат идораларининг маҳаллийлаштириш комиссияси ва унинг ҳудудий бўлимлари ҳамда соҳа ривожига ҳисса қўшган миллий кадрлар фаолияти аниқланди;

Ўзбекистон ССР ташкил топган дастлабки йилларда давлат идораларини маҳаллийлаштириш соҳасида ишларнинг тизимли ташкил этилмаганлиги натижасида келиб чиққан муаммолар ўрганилди;

большевиклар томонидан кейинги йилларда ягона совет маданияти ҳамда «совет халқи»ни яратиш ғояси кучайиши билан давлат идораларини маҳаллийлаштириш жараёни секинлашганлиги исботланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги: ишда тарих фани соҳасидаги назарий ёндашувлар ва усулларнинг қўлланилгани, кўп турдаги бирламчи манбалар, архив ҳужжатларига асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан исботланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг миллий сиёсатида давлат идораларининг маҳаллийлаштирилиши жараёнини атрофлича тадқиқ этишга имкон беришдан иборатдир.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, Ўзбекистонда давлат идораларининг маҳаллийлаштирилиши ва совет ҳокимиятининг миллий сиёсати тўғрисидаги маълумотлар ва илмий хулосалардан Ўзбекистон тарихининг совет даври тарихи бўйича илмий тадқиқотлар ўтказишда, олий ўқув юртлари, академик лицей талабалари учун дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Совет ҳокимиятининг миллий сиёсатида давлат идораларининг маҳаллийлаштирилишига оид ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

давлат идораларини маҳаллийлаштириш масаласининг назарий асослари, босқичлари, уни амалга оширилишида миллий тиллар ва маҳаллий кадрларнинг ўрни, русийзабон ходимларнинг маҳаллийлаштириш ишларига тўсқинлик қилиши тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида олиб борилган ИФА-2012-1-4-сон

«Ўзбекистоннинг совет давридаги тарихи (1917-1991 йиллар). 2-жилд» мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси 2018 йил 19 апрелдаги 3/1255-1014-сон далолатномаси). Ушбу илмий натижалар ва хулосаларнинг қўлланилиши Ўзбекистоннинг совет бошқаруви даври тарихидаги айрим муҳим назарий муаммоларининг ечими сифатида хизмат қилди;

совет бошқарувидаги Туркистон АССР, Бухоро Халқ Совет Республикаси, Хоразм Халқ Совет Республикаси ҳамда Ўзбекистон ССРда давлат идораларини маҳаллийлаштириш соҳасида фаолият юритган миллий кадрларнинг назоратда тутилганлиги, уларни «антипартиявий», «ёт элементлар» каби сохта айбловлар билан қатағон қилинганлигига оид маълумотлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Қатағон қурбонлари хотираси» давлат музейи «Туркистон Мухторияти ҳукуматининг тугатилиши ва совет давлати қатағон сиёсатининг бошланиши (1917-1924 йиллар)» мавзусидаги 3-бўлим ҳамда «30-йилларнинг бошларидаги сиёсий қатағонлар» мавзусидаги 6-бўлимларнинг музей экспозициясини бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Қатағон қурбонлари хотираси» давлат музейининг 2018 йил 4 майдаги 85-сон маълумотномаси). Бундаги натижалар миллий манфаатлар йўлида бегуноҳ қурбон бўлганларнинг хотирасини тиклашда ҳамда ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 13 та илмий конференцияларда, шу жумладан 2 та халқаро конференция: «Материалы международной научно-практической конференции посвященной 125 летию видного государственного и общественного деятеля, дипломата Назира Торекулова» (Туркистон, Қозоғистон, 2017), Международная научная конференция «Толерантность – как инструмент развития мер взаимного доверия» (Тошкент, 2018) ва 11 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 10 та мақола, жумладан, 9 та мақола республика ва 1 та мақола хорижий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 147 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг

устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Большевиклар миллий сиёсатида давлат идораларини маҳаллийлаштиришнинг хусусиятлари»** деб номланган биринчи боби давлат идораларини маҳаллийлаштиришнинг назарий асослари ҳамда унинг Туркистон АССРда амалга оширилиши масалаларига бағишланган.

Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки йилларда миллий республикалардаги бошқарув тизимига ерли кадрларнинг жалб этилмаганлиги ва маҳаллий тилларда иш юритилмаганлиги сабабли қатор муаммолар юзага келган. Мазкур муаммоларнинг олдини олиш мақсадида большевиклар томонидан давлат идораларини маҳаллий аҳолига яқинлаштириш режаси ҳисобланган «маҳаллийлаштириш» сиёсати ҳаётга тадбиқ этилган. Бу даврда коммунистик мафкурага хизмат қиладиган маҳаллий кадрларга эҳтиёж туғилганлиги сабабли туб аҳолидан коммунистлар тайёрлаш ва уларга ўз она тилида таълим олиши ҳамда иш юритишига рухсат берилди.

Давлат идораларини маҳаллийлаштиришнинг назарий асослари илк маротаба РКП (б)нинг 1921 йил мартада бўлган X съездида илгари сурилиб, унда совет қурилишига маҳаллий кадрларни тортиш, бошқарув органларида миллий вакилликларни кенгайтириш, миллий камситишнинг экстремистик шаклларига қарши курашиш ҳақида кўрсатмалар берилган¹⁰. 1923 йил июнь ойида бўлиб ўтган РКП (б)нинг XII съездида ҳам маҳаллий миллат вакилларида «миллий коммунистлар» тайёрлаш, тўғарақлар ташкил этиш, партиянинг тарбиявий ишларини кучайтириш, ҳар бир халқнинг она тилида адабиётлар чоп эттириш ва иш юритишни маҳаллий тилларда олиб боришга қарор қилинган¹¹. Мазкур съездда РСФСР Миллий ишлар халқ комиссари И.В.Сталин ўзининг «Партия ва давлат қурилишида миллий моментлар»¹² мавзусидаги тезисида давлат идораларини маҳаллийлаштириш масаласига алоҳида тўхталиб ўтган.

1923 йил 8 июнда Бутунроссия МИК Президиуми томонидан қабул қилинган 50-рақамли қарорда Совет Иттифоқи таркибидаги миллий республикаларда иш юритишни рус ва маҳаллий тилларда олиб бориш ҳамда бошқарувга ерли ходимларни тортиш лозимлиги кўрсатилди¹³.

XX асрнинг 20-йилларида Туркистон минтақасида большевиклар

¹⁰ КПСС в резолюциях и решениях съездов, конференций и пленумов ЦК. Том 2. 1917 – 1922. – Москва: Издательство политической литературы, 1983. – С.368-369.

¹¹ КПСС в резолюциях и решениях съездов, конференций и пленумов ЦК. Том 3. 1922 – 1925. – Москва: Издательство политической литературы, 1984. – С.88.

¹² Сталин И. Асарлар. Том 5. – Т.: Ўзбекистон давлат нашриёти, 1949. – Б.208-222.

¹³ ЦК РКП (б) – ВКП (б) и национальный вопрос. Кн. 1. 1918-1933 гг. Сборник документов. Составители: Л.С.Гатагова, Л.П. Кошелева, Л.А. Роговая. – Москва.: РОССПЭН, 2005. – С. 117-118.

томонидан татбиқ этилган маҳаллийлаштириш сиёсати бу – давлат идораларига маҳаллий миллат вакиллари жалб қилиш ҳамда иш юритишни рус тили билан параллел равишда туб аҳоли тилларида олиб боришни жорий қилиниши эди. «Маҳаллийлаштириш» тушунчаси архив хужжатлари ва даврий матбуот материалларида турли номлар билан келтирилади. Масалан, «ерлилаштириш», «тубжойлаштириш», «мусулмонлаштириш», «миллийлаштириш» ва «ўзбеклаштириш» иборалари маҳаллийлаштириш сўзи билан айнан бир маънода қўлланилган. 1925–1929 йилларда Ўзбекистон ССР таркибида бўлган Тожикистон АССРда маҳаллийлаштириш «тожиклаштириш» деб ҳам номланди. Бу ҳақида 1927 йил 16–24 ноябрда Самарқандда бўлиб ўтган Ўзбекистон Коммунистик партиясининг III съездида «Давлат аппаратини миллийлаштириш ва ерли миллат ишчиларини ишлаб чиқаришга жалб қилиш тўғрисида»ги қарорда¹⁴ кўрсатиб ўтилган. Совет Иттифоқи таркибидаги бошқа миллий республикаларда ҳам бу жараён Туркистон ўлкасидагидек олиб борилди. Масалан, Украина ССРда давлат идораларини «украинлаштириш»¹⁵, Якутия АССРда «ёқутлаштириш», Татаристон АССРда «татарлаштириш» ва бошқа ҳудудларда ҳам ўзининг маҳаллий номи билан, умумий номда эса «маҳаллийлаштириш» деб аталган¹⁶.

Туркистон АССР ҳукумати томонидан давлат идораларини маҳаллийлаштириш ишини самарали ташкил этиш борасида қатор ҳуқуқий-меъёрий хужжатлар қабул қилинган. 1923 йилнинг 5 январида Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитетининг 3-рақамли¹⁷ ва 29 августдаги 130-рақамли¹⁸ ҳамда шу йилнинг 15 августида Туркистон ХКСнинг қабул қилган 124-сонли қарорлари¹⁹ шулар жумласидандир. Туркистон АССРда иш юритишни маҳаллий тилларга ўтказишни бошлаш ва бошқарувда маҳаллий кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида 1923 йилнинг 15 августида «Марказий маҳаллийлаштириш комиссияси» деб номланган махсус комиссия таъсис этилган²⁰. Ушбу комиссия вазифа ва ваколатларига иш юритишни маҳаллий тилларда олиб боришни назорат қилиш, бошқарувга ерлик аҳолини жалб қилиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий-меъёрий

¹⁴ Ўзбекистонда XX асрнинг 20–30-йилларидаги сиёсий ва ижтимоий жараёнлар. (Архив хужжатлари ва бошқа материаллар асосида). Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи: Қ.К.Ражабов. – Т.:Navto'z, 2014.- Б.236.

¹⁵ Борисенок Е.Ю. Концепции «украинизации» и их реализация в национальной политике в государствах восточноевропейского региона (1918 – 1941 гг.). Диссертация на соискание ученой степени доктора исторической наук. – М.,2015. – С.163.// <http://www.inslav.ru/sobytiya/zashhity-dissertaczij/2181-2015-borisenok>.

¹⁶ Чеботарева В.Г. Национальная политика Российской Федерации 1925 – 1938 гг. – Москва,2008. – С.258, 262, 376-381, 670-672.

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (Ўзбекистон МДА), Р-26-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 14-варак.

¹⁸ Ўзбекистон МДА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 366-иш, 209-211-вараклар; Ўзбекистон МДА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 367-иш, 71-73-вараклар.

¹⁹ Ўзбекистон МДА, Р-26-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 22-варак.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви (Ўзбекистон ПДА), 58-фонд, 5-рўйхат, 174-иш,1-варак.

ҳужжатлар тизимини ишлаб чиқиш ҳамда тажрибачиларни²¹ тайёрлаб, уларни турли муассасаларда иш билан таъминлашни ташкил этиши белгиланган. Бироқ республикада маҳаллийлаштириш ишларининг олиб борилиши европа миллатига мансуб ходимлар томонидан яхши қабул қилинмаган.

1923 йил 29 августда қабул қилинган Туркистон АССР МИҚнинг 130-қарори 14 та моддадан иборат бўлиб, унинг 1-моддасида: «Барча декрет ва қарорлар албатта рус, ўзбек, туркман ҳамда қирғиз тилларида нашр этилади»²² деб, қайд қилинган. Мазкур қарорга биноан республика ҳудудидаги барча муассасаларининг иш юритиши 4 та: рус, ўзбек, қирғиз [қозок] ва туркман тилларида олиб борилиши тартиби белгиланди. Шундан келиб чиқиб, Еттисув, Сирдарё ва Амударё вилоятлари – қирғиз тилида, Фарғона ва Самарқандда ўзбек тилида ва Туркман вилоятида эса туркман тилида иш юритиш тизими жорий қилинган²³.

Туркистон АССРда фаолият юритган маҳаллийлаштириш комиссияси 1923 йилнинг октябрь ойидан бошлаб турли идора ва муассасаларга тажрибачиларни жўната бошлаган. Ушбу тажрибачилар ташкилотларда иш ўрганиб, шу жойда фаолият юритиши белгилаб берилган эди. Аммо, комиссия томонидан юборилган тажрибачилар аксарият ҳолларда муассаса раҳбарияти ва ходимлари томонидан яхши қабул қилиниб, иш ўргатилиши ўрнига турли баҳоналар билан орқага қайтариб юборилган. Тажрибачиларнинг европа миллатига мансуб раҳбарлар томонидан сарсон қилинганлиги хусусида марказий комиссияга кўплаб мурожаатлар келиб тушган. Масалан, Фарғонада тажрибачиларга маош белгиланмаган ва уларнинг аксарияти хизматдан бўшатишга мажбур қилинган. Марказий маҳаллийлаштириш комиссияси бу камчиликларни зудлик билан бартараф этилиши учун Фарғона маҳаллийлаштириш округи комиссиясига 5733-сонли буйруқ жўнатган. Ушбу буйруқ матнида идоралардаги тажрибачиларнинг хизматидан бўшатишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлиги, уларга лозим бўлган харажат пулини муассаса бошлиқлари умумий қонунда кўрсатилган йўл билан топиб беришга мажбур эканлиги келтирилган²⁴.

Маҳаллийлаштириш давлат сиёсати даражасида олиб борилиши белгиланган бўлсада уни амалга ошириш ва муассасаларда маҳаллий ходимларни кўпайтирилишининг ҳолати илгаригидек эди. Натижада маҳаллий кадрлар маҳаллийлаштириш ишларидаги камчиликларнинг олдини олиш борасида қатъий таклифлар билан чиққанлар. Улар

²¹ *Тажрибачилар* – Маҳаллийлаштириш комиссияси томонидан давлат бошқарув ишларига жалб этилган маҳаллий миллатга мансуб хизматчилар. Булар давлат бошқарувининг турли бўғинларида амалиёт ўтаб, маҳаллийлаштириш комиссияси томонидан штатга лойиқ деб топилгач, амалиёт ўтаган муассасасига ишга жойлаштирилган. Тажрибачиларга амалиёт ўтаган даври мобайнида белгиланган муассасанинг баъзилари маош тўлаган. Дароматсиз ҳукумат идораларидаги тажрибачиларнинг маоши эса Туркистон ХКС томонидан берилган. Баъзида Маҳаллийлаштириш комиссияси томонидан ҳам тажрибачиларнинг харажатлари қисман қопланган.

²² Ўзбекистон МДА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 367-иш, 71-варак.

²³ Ўзбекистон МДА, Р-26-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 45-варак.

²⁴ Ўзбекистон МДА, Р-26-фонд, 1-рўйхат, 2-иш, 140-варак.

Маҳаллийлаштириш комиссиясининг шу кунгача тутган режаси тажрибада яхши натижа бермагани учун хатто уни ўзгартириш талабини илгари сурганлар²⁵.

Диссертациянинг «**Давлат идораларини маҳаллийлаштириш сиёсатининг БХСР ва ХХСРда амалга оширилиши**» деб номланган иккинчи бобида Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг қизил армия томонидан ағдарилиши ҳамда уларнинг ўрнида тузилган совет республикалари саналган БХСР ва ХХСР аҳолисининг миллий таркиби, иш юритиш тили, давлат идораларини маҳаллийлаштириш масаласи, бошқарувда маҳаллий кадрларнинг ўрни ва уларнинг совет миллий сиёсатига муносабати таҳлил қилинди.

Бухоро амирлиги мавжуд бўлган даврда давлат бошқарувида ишлар асосан форсий тилда юритилган²⁶. БХСР ташкил топиши билан мамлакатнинг давлат тили масаласида 1921 йилнинг 11 мартида муҳим қарор қабул қилинди. Бунга биноан Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси ўзбек (туркий) тилини мамлакат ҳудудида давлат тили деб эълон қилди²⁷.

Совет ҳокимиятининг давлат идораларини маҳаллийлаштириш сиёсати бошқа миллий республикалар сингари БХСРда ҳам ҳаётга татбиқ этилди. 1923 йилнинг августида БХСР Марказий Ижроия Комитети хузурида «Идораларни маҳаллийлаштириш комиссияси» тузилган²⁸. Ушбу комиссия томонидан 1923 йилнинг октябрида БХСРнинг барча муассасаларига юборилган буйруқда идораларни бошқаришда европа миллатига мансуб ходимлар ўрнини маҳаллий миллат вакиллари билан алмаштириш ҳамда иш юритишни маҳаллий тилда олиб бориш лозимлиги таъкидланган²⁹.

Давлат идораларини маҳаллийлаштириш жараёни кетаётган бир вақтда Марказдан юборилган большевиклардан бири Г.К. Оржоникидзе БХСР ҳукумати таркибидаги маҳаллий кадрларнинг фаолиятига қуйидаги эътирозини билдирган: «Фақат бухороликлар нозирлик лавозимини эгаллаши мумкин деган эски тасаввурдан воз кечиш керак. Нозирлар советининг раиси бухоролик бўлиши, Бухоро Марказий Ижроия Комитети раиси бухоролик бўлиши хусусида эътироз билдирмайман, лекин Бухоро Коммунистик партияси Марказий Комитетининг котиби маҳаллий миллатга мансуб бўлмаслиги лозим. Нозирлар миллатига мансублигига қараб танланмаслиги лозим, албатта, нозир бухоролик бўлгани яхши, лекин Ориповдан³⁰ кўра рус, грузин ёки татар яхшироқдир»³¹.

БХСР ҳукумати ва унинг раҳбари Файзулла Хўжаев томонидан

²⁵ Асадулла. Ерлилаштириш плани ўзгариши керак // «Туркистон». 1924 йил 13 ноябр. 295-сон.

²⁶ Қаранг: Ўзбекистон МДА, И-3-фонд, 1-рўйхат, 623-иш, 105-варақ.

²⁷ Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача). Тўлдирилган ва қайта ишланган олтинчи нашр. – Т.: O'zbekiston, 2015. – Б.166.

²⁸ Ўзбекистон МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 474-иш, 24-варақ.

²⁹ Ўзбекистон МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 474-иш, 15-варақ.

³⁰ Абдулҳамид Орипов – 1921 – 1922 йилларда Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳарбий нозир бўлиб, совет тузумининг Бухорода олиб бораётган мустамлакачилик сиёсатига қарши кескин қаршилик қилган миллий кадрлардан ҳисобланади. 1922 йилнинг март ойида совет тузумига қарши курашаётган Анвар Пошо бошчилигидаги истиқлолчилар томонга ўтиб кетган.

³¹ Эшонов О.Э. Файзулла Хўжаев (Ҳаёти ва фаолияти ҳақида очерк) – Т.:Ўзбекистон,1973. – Б.40.

республика худудидаги бошқарув ишларига мумкин қадар маҳаллий миллат вакиллари жалб қилишга ҳаракат қилинди. Унинг фикрича БХСРда доҳилия (ички), адлия ва бошқа нозирликларда, ижроқўм идораларида курьер, дарбон, доимий мирзолар, хўжалик бўлими мудирлари, кичик мирзолар, дафтардорлар кабилар маҳаллий аҳоли вакиллари ўзбек, туркман, тожик ва қирғиз кабилардан бўлиши керак эди³².

1923 йилнинг декабрида Бухоро Марказий Ижроия Комитети ҳузуридаги «Идораларни маҳаллийлаштириш комиссияси» томонидан Бухоро ҳарбий қўмондонлигига маҳаллий кадрлар тайёрлаш бўйича 72-рақам остида топшириқ³³ жўнатилади. Натижада Бухоро ҳарбий нозирлиги билан Бухоро қизил армияси ўртасида ҳамкорлик қилиш ҳамда ўзбеклардан ҳарбий мутахассис кадрлар тайёрлашга келишиб олинади. 1924 йилнинг 1 январидан соҳани маҳаллийлаштиришга тўлиқ киришиш ва барча қўмондонлик таркибидаги мутахассисларнинг ўзбек тилида таълим олиши белгиланган³⁴.

1923 йил 19 декабрдаги Бухоро Компартияси Марказий Комитетининг 7015-рақамли мурожаатида БХСРдаги қатор совет муассасаларида иш юритишни қайтадан европалаштиришга оғиш ҳолатлари бўлаётганлиги келтириб ўтилган. Мазкур оғишни ҳисоб-китоб, бухгалтерия, молия соҳасида кўпроқ кўзга ташланаётганлиги, бироқ кундалик хат ёзиш ва иш юритишда бундай оғмачиликни оқлаб бўлмаслиги ва унинг зарарли томонлари таъкидланган. БКП МК барча фракцияларга мазкур ҳодисага ниҳоятда қатъий равишда барҳам беришни, муассасаларни маҳаллийлаштириш масаласида арзимаган бўшашиш ёки орқага қайтиш исталмаган оқибатларга, яъни давлат муассасаларининг аҳолидан узоқлашишга олиб келиши мумкинлиги эслатиб ўтилган³⁵.

Большевиклар ХХСРнинг мустақиллигини чеклаш ва Марказ таъсирида тутиб туриш мақсадида бошқарувда кадрлар алмашинувини амалга ошириб, бошқа совет республикаларидан «тажрибали» мутахассислар юбориб турдилар. 1921 йил сентябрь ойида Отамахсумохун Муҳаммадраҳимов ХХСР МИКга раҳбар бўлгач бошқарув апаратини маҳаллийлаштиришга киришган. Жумладан, ўзбек ҳарбийларидан Миркомил Миршариповни ҳарбий нозир, Михаил Волошиннинг ўрнига Ҳасан Эрматовни доҳилия нозир, Ҳофиз Зиёвутдинов ўрнига Жумамуродохунни маориф нозир қилиб тайинлаган. У ҳукумат ишларига коммунистик партия аъзоларини раҳбарлик қилишига чек қўйишга ҳаракат қилиб шундай деган: «Бир мамлакатда Иштирокиюн фирка Марказий Комитети ва ҳукумат Марказий Ижроия Комитетидан иборат икки раҳбар ҳукумат бўлиши мумкин эмас»³⁶.

1923 йил апрель ойида бўлиб ўтган РКП(б)нинг XII съездида Бухоро ва Хоразм республикаларида туркман ва қирғизларга қарши йўналтирилган

³² Ҳайитов Ш, Бадриддинов С. Бухоро тарихидан лавҳалар (XIX-XX асрлар) – Бухоро. 2007. – Б-51.

³³ Ўзбекистон МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 474-иш, 50-варақ.

³⁴ Ўзбекистон МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 474-иш, 42-варақ.

³⁵ Ўзбекистон ПДА, 14-фонд, 1-рўйхат, 427-иш, 61-варақ.

³⁶ Маткаримов М. Хоразм Республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. – Урганч, 1993. – Б.37-38.

ўзбек шовинизми ҳақида гапирилган³⁷. Большевиклар миллий сиёсатининг бош мақсади туркий халқларнинг бир бутунлигига зарба бериш ва улар ўртасида адоват уйғотиш эди. Бу жараён Ўрта Осиёнинг миллий-ҳудудий чегараланиш арафасида янада авж олдирилди. ХХСРда миллий муносабатларни тартибга солиш мақсадида Хоразм МИК ҳузурида миллий ишлар бўйича бўлим тузилган. Ушбу бўлимнинг фаолияти 1923 йили янги қабул қилинган Конституциянинг 2-бўлими 5-бобининг 16-20-моддаларида ўзининг қонуний тасдиғини топган³⁸. Мазкур Конституциянинг 18-моддасида: «Хоразм Марказий Ижроия Комитети ҳузуридаги миллий ишлар бўйича бўлим республикадаги камсонли миллатлардан иборат меҳнаткашларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида учта бўлим: туркман бўлими 9 нафар кишидан, қирғиз-қозоқ бўлими 5 нафар кишидан, қорақалпоқ бўлими 3 нафар кишидан ташкил топади»³⁹ деб қайд этилган.

1923 йилдан Хоразм Халқ Совет Республикасида ҳам маҳаллийлаштириш масаласига замоннинг муҳим вазифаси сифатида қаралган ҳамда бу борада Туркистон АССР ва БХСРда олиб борилаётган ишлар ўрганилган⁴⁰. Туркистон АССР МИК ва ХКСнинг давлат идораларини маҳаллийлаштириш юзасидан чиқарган мос равишдаги 130 ва 124-қарорлари БХСР ҳамда ХХСРда ҳам амалда бўлган. ХХСРда давлат идораларини маҳаллийлаштириш жараёни кетаётган бир пайтда РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси Хоразм Иштирокиюн фирқаси (коммунистик партия)га юқоридан туриб берилган топшириқларни бажариш учун четдан раҳбар ва мутахассислар юбориб туришни давом этган. Айни шу пайтда большевиклар томонидан Иштирокиюн фирқаси аъзолари ва ташкилотлари миқдори кўпайтирилиб, ХХСР МИК ва Нозирлар Шўроси аъзолари, шунингдек, жойлардаги ҳукумат таркибидаги миллий кадрларнинг сони қисқартирилган. Масалан, 1923 йил август ойида ҳукумат аъзолари ва хизматчилари сони 3474 кишидан 1128 кишига камайтирилган⁴¹.

1923 йил 2 сентябрда Хоразм МИК ҳузурида тузилган давлат идораларини маҳаллийлаштириш комиссияси ташаббуси билан маҳаллий кадрларни тайёрлаш ишларига жиддий эътибор қаратила бошланган. Жумладан, ХХСРдаги маҳаллий миллатга мансуб ёшларнинг Ўрта Осиё давлат университети (САГУ)да ўқиши учун республика томонидан маблағ ажратилган⁴². Мутахассис кадрлар тайёрлаш учун ўқув курсларини ташкил этиш масалалари муҳокама қилинган. Шунингдек, марказий идоралар бошқарувида маҳаллий кадрларни жалб этиш ишлари ҳам сезиларли даражада ўзгарган. Масалан, Ишчи-деҳқон инспекцияси нозирлиги таркиби маҳаллий кадрлар билан тўлдириб борилган. Мазкур муассасанинг марказий

³⁷ Коммунистические партии Туркестана, Бухары и Хорезма в период национально – государственного размежевания в Средней Азии. –Т.,1959. – С.28

³⁸ Ўзбекистон МДА Р-71-фонд, 1-рўйхат, 64-иш, 27-28-варақлар.

³⁹ Ўзбекистон МДА Р-71-фонд, 1-рўйхат, 64-иш, 27-варақ.

⁴⁰ Ғози Юнус. Ҳукумат бошқармаларини ерлилаштириш // «Туркистон». 1923 йил 22 сентябр. 175-сон.

⁴¹ Қўшжонов О, Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий – сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар (XIX аср иккинчи ярми – XX аср биринчи чораги) – Т.: Abu matbuot – konsalt, 2007. – Б.336.

⁴² Ўзбекистон ПДА, 361-фонд, 1-рўйхат, 520-иш, 3-варақ.

аппаратида 1923 йилнинг охирига келиб бош нозирлик 3 нафар кишидан (1 нафари ўзбек, 1 нафари қирғиз, 1 нафари татар), нозир эса коммунистик партия аъзоси бўлган. Ревизия қилиш бўлими назоратчиси 2 нафар татар, вилоятлардаги вакил 3 нафар ўзбек ва 1 нафар татар, аппаратдаги техник котиб ўзбек, мухбир ўзбек (аёл), ҳисоб бўлими ходими ўзбек, хўжалик ишларида 2 нафар ўзбек ишлаган. Ходимлар умумий ҳисобда жами 14 нафар, шундан 9 нафари ўзбек, 4 нафари татар ва 1 нафари қирғиз бўлган⁴³.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ўзбекистон ССРда давлат идораларини маҳаллийлаштириш сиёсати: натижа ва муаммолар**» деб номланиб, унда Ўзбекистон ССР ташкил топган дастлабки йилларда давлат идораларини маҳаллийлаштиришнинг натижалари ва муаммолари ўрганилди. Маҳаллийлаштириш сиёсатининг янги босқичида уч йиллик режа асосида иш олиб борилиб, соҳада баъзи ижобий ўзгаришлар кузатилди. Совет миллий сиёсатида барча миллатларни «бир-бирига яқинлаштириш ва қўшиб юбориш» режаси асосида давлат идораларини маҳаллийлаштириш ишларининг тўхтатилганлиги таҳлил қилинди.

Ўзбекистон ССР ташкил топиши арафасида ва ундан кейинги дастлабки йилларда давлат идораларини маҳаллийлаштириш борасида ечимини кутаётган муаммолар талайгина эди. Ўзбекистон ССР Марказий Инқилобий Қўмитаси (Ревком)нинг 1924 йил 31 декабрда собиқ Бухоро ва Хоразм Республикаларидаги барча ташкилотларда, шунингдек, Ўзбекистон ССР бўйича ҳамма волост ташкилотларида иш юритишни маҳаллий миллат вакиллари тилига ўтказиш тўғрисидаги 48-рақамли қарори қабул қилинган⁴⁴. Бунга биноан маҳаллийлаштириш комиссияси Ўзбекистон Инқилобий Қўмитаси ҳузуридаги «Давлат аппаратини маҳаллийлаштириш комиссияси» деб номланган.

Давлат идораларини маҳаллийлаштириш юзасидан декретлар, қарорлар, йўриқномалар, курултой ва конференцияларнинг кўрсатмалари бўлишига қарамай ушбу масала бир жойда тўхтаб қолган. Тошкент округи маҳаллийлаштириш комиссиясининг 1925 йил 3 июндаги ҳисоботида келтирилишича, маҳкамаларнинг кўпларида бир фоиз ҳам маҳаллий хизматчилар бўлмаган⁴⁵. Маҳаллийлаштириш марказий комиссиясидаги маълумотда давлат идораларини маҳаллийлаштириш ишида совуққонлик билан муносабатда бўлаётган комиссарлик сифатида Ишчи-деҳқон назорати халқ комиссарлиги келтирилади⁴⁶. Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлигида эса иш юритиш ва ҳужжатлар 100 фоиз рус тилида олиб борилганлиги аниқланган⁴⁷. Иш фаолиятидаги дастлабки бир йиллик камчиликлар ўрганилиб, таҳлил қилинган, маҳаллийлаштириш марказий комиссияси 1926–1927 йиллардаги келгуси фаолияти учун Марказга бир неча марта илтимосномалар билан чиқиб, маблағ ажратишни сўраган. Қатор

⁴³ Ўзбекистон МДА, Р-72-фонд, 1-рўйхат, 28-иш, 64-варак.

⁴⁴ Ўзбекистон МДА, Р-87-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 9-варак.

⁴⁵ Мурод Н. Ерлилаштиришдаги ички кўринишлар // «Қизил Ўзбекистон». 1925 йил 7 сентябр. 219-сон.

⁴⁶ Ўзбекистон ПДА, 58-фонд, 4-рўйхат, 494-иш, 39-варак.

⁴⁷ Ўзбекистон ПДА, 58-фонд, 4-рўйхат, 592-иш, 42-варак.

